

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3

2022 йил 13 -июль

Хўжайли тумани

Хўжайли тумани Халқ таълим бўлими номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар **Б.Хафизов** бир томондан кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб аталиб, буюртмачи номидан ва **МЧЖ «PROFI-MAX-NUKUS»** номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар **А.Авезов** иккинчи томондан кейинги ўринларда «**Пудратчи**» деб аталиб, пудратчи номидан, Хўжайли ХТБ га қарашли 30-сонли умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

Ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

Вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Хўжайли ХТБ га қарашли 30-сонли умумий ўрта таълим мактаби биносини **жорий таъмирлаш** буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шaroитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 11-июль кунги (электрон баённома, Лот №115360) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан 15% ҚҚС 85956521 сўм 74т. (Саксан беш миллион тўққиз юз эллик олти минг беш юз йиғирма бир сўм 74 тийин) билан Хўжайли ХТБ қарашли 30-сонли умумий ўрта таълим мактаби биносини **жорий таъмирлаш** буйича қурилиш ишларини бажариш учун жами 659 000 000 (Олти юз эллик тўққиз миллион) сўмни ташкил этади. (Пудратчи *А.Авезов*)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг қучи ва (ёки) жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан қелишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссик овқат билан таъминлаш;

- қурилиш таваққалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофиқ, ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, ақс ҳолда ҳисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз қучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг руҳсатисиз ўзгартириш қиритмайди. Агарда ўз хоҳиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати Пудратчининг ҳисоб рақамига шартнома буйича умумий қийматининг аванс пуллари келиб тушган кунидан сунг 50 (эллик) кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдориди аванс утказди, қолган 70 % маблағ топширилган иш ҳажмининг бажарилишига мувофиқ (ҳисоб-фактура, далолатнома асос) тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

20. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга

оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

23. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга рўя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

29. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.

30. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

31. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

32. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини кафолатлайди.

33. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рўхсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

38. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб таълайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудрачининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклаш.

40. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари.

42. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида қелиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан қуп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини мухокама қилдилар.

44. Агар томонлар 2 ой ичида қелиша олмасалар у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

45. Курилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қурилиши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

47. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қилишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

ХII. Кафолатлар.

49. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада қурсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар қурсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХIII. Шартномани бекор қилиш.

52. Буюртмачи:

шартнома қучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан I ойдан қу вақтга қечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қу қулайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш қалвалига қуя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати қу сайишига олиб қелади қу даражада қузилганда;

қу қу ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган қурилиш бироқ муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича таклиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

58. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:
иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва

унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун-ҳужжатларида белгиланган тартибда Нукустуманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз бирон-бир учинчи (шаҳс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайди.

68. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

69. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шarti билан мустақил амалга оширилади.

70. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган булса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб қеладиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

72. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни қечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

74. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб ҳудудий газначилик булинмаларидан руйхатдан утказилгандан сунг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

75. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир қил юридик қучга эгадир.

XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

76. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар қодир қилинмасликка қелишиб оладилар.

77. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

78. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумқунлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

79. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари хар қандай вақт ва шақилда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинадиган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чикиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дархол хабардор қилиши шарт.

80. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга(шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибютерлар, ҳуқуқшунослари, хисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

81. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини қафолайдилар.

82. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 5.4 ва 5.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар

кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар хақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

БУЮРТМАЧИ:

Хўжайли тумани Халқ таълим бўлими
Манзили: Хўжайли тумани, Ипак йўли
кўчаси, 72 уй

Телефон: 61554-10-52

Банк: МБ Ташкент ш.
Х/Р: 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН: 20112919

ИНН: 200395864

Хўжайли тумани Ғазначилик бўлими

Х/в: 100022860352367092100075123
ОКОНХ 97600

Рахбар:  Б. Хафизов



ПУДРАТЧИ:

ООО "PROFI-MAX-NUKUS "

Манзили: Хужайли тумани,
Мустақиллик кўчаси, рақамсиз уй

Тел/Факс: +99897-355-05-55

ИНН: 300968187

Банк: АКБ Халқ банк Нукус ш.

р/с: 20208000404735171001

ОКЭД: 41202. МФО: 00638

Рахбар:  А. Аветов

М.У



Хўжайли тумани Адлия бўлими
Юридик хизмат кўрсатиш маркази
бош юрисконсулти:



Р.Тажобаев
13-июль 2022 йил

Коррупцияга қарши қондаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Хўжайли тумани Тиббиёт бирлашмаси ва МЧЖ "PROFI-MAX-NUKUS" ходимлари ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахсининг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (Хўжайли тумани Халқ таълими бўлими) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган 10-06-рақамли ишонч телефони;
Телеграм-канали - ("@QRKQGAK_bot").


Шахсан Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг <http://www.uzedu.uz/> ижтимоий тармоқдаги манзилларига хабар қилиниши лозим.

ТОМОНЛАР:

"Етказиб берувчи"
МЧЖ "PROFI-MAX-NUKUS"

А. Аvezов
(Ф.И.О.)

(имзо)



XOJELI RAYONÍ ÁDILLIK BÓLIMI YURIDIKALÍQ XÍZMET KÓRSETIW ORAYÍNÍN YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDÍN NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDAGÍ HUQÍQÍY JUWMAGÍ

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 29.06.2021-jilgi PQ-5168-sanlı qararı menen tastıyqlanǵan “Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayları haqqında”ǵı Rejege tiykarlap, Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bóliminiń hújjet joybarın huqıqıy ekspertizadan ótkerilgende tómendegiler

ANÍQLANDÍ:

I. Joybar túri: Shártnama

II. Joybardıń ataması: 3-sanlı Pudrat shártnaması.

III. Joybardıń mazmunı: Shártnama joybarında 115360-lot boyınsha Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimi hám “PROFI-MAX-NUKUS” JShJ ortasındaǵı Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimine qarastı 30-sanlı ulıwma orta bilim beriw mektep imaratların jeńil ońlaw jumısların alıp barıw boyınsha jámi 659 000 000 (Altı júz eliw toǵız million) sum múǵdarındaǵı 3-sanlı pudrat shártnaması dúziliwi belgilengen.

IV. Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat:

Shártnama Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimi tárepinen islep shıǵılǵan hám 2022-jil 13-iyul kúni Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayına usınılǵan.

V. Joybardıń nızam hújjetlerine muwapıqlıǵı:

Shártnama joybarın úyreniw dawamında, Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksiniń (Xojalıq shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydalar) 353-354 statyaları, (Pudrat shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydalar) 631-655, 666-685 statyaları, Ózbekstan Respublikasınıń 2021-jil 22-aprel kúngi “Mámleketlik satıp alıwları haqqında”ǵı 684-sanlı Nızamı, Ózbekstan Respublikasınıń 1998-jil 29-avgust kúngi “Xojalıq júrtiwshı subyektler iskerliginiń shártnamalıq-huqıqıy bazası haqqında”ǵı 670-I-sanlı hám Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2021-jil 14-sentyabrdegi “Shártnamalıq qatnasıqlardı túpten jetilistiriw is-ilájlari haqqında”ǵı PF-6313-sanlı Pármanı hám de Ózbekstan Respublikası Ministrler Kabinetiniń 2022-jil 20-may kúngi 276-sanlı qararı tastıyqlanǵan “Mámleket satıp alıwların ámelge asırıw menen baylanıslı tártip qaǵıydaların shólkemlestiriw hám ótkeriw tártibi haqqında”ǵı Reje talapları tiykarında islep shıǵılǵanlıǵı anıqlandı.

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2022-jil 2-iyul kúngi “Qaraqalpaqstan Respublikası avmaǵında ayrıqsha jaǵdaydı engiziw haqqında”ǵı 164-sanlı pármanında belgilengen halatlar barısınan hám de internet tarmaqlarında baqlanıp atırǵan úzilisler saplastırılıwına shekem hújjetler qaǵaz kórinisinde qabil etiledi. Bul úzilisler saplastırılǵanınan soń hújjet “E-huquqshunos” elektron sistemasına jaylastırılıwı támiyinleniwi shártligin bildiremen.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw nátiyjelerine kóre

JUWMAQ:

Xojeli rayonu Xalıq bilimlendiriw bólimi hám “PROFI-MAX-NUKUS” JShJ ortasındaǵı 3-sanlı Pudrat shártnaması ámeldegi nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám shártnamanı dúziw maqsetke muwapıq dep tabıldı.

Yuridikalıq xızmet

kórsetiw orayı bas yuriskonsultı:

2022-jil 13-iyul

R.Tajibayev